



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХДАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (11.567)

Баҳоси эркин нарҳда

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## УСТОЗ МЕҲРИ

Биринчи тоифали тарих фани ўқитувчиси Мавлуда Раҳимова 17-мактабда қарийб йигирма йилдан бўён ишлайди.



Устоз М. Раҳимова ўқувчилар билан ишлашда ўзига хос услуг ва малакага эга. Шу боис уларнинг ҳар бир дарслари, маъruzalari қизиқарли бўлиб, ўқувчилар бу фандан яхши ўзлаштирадилар.

Мавлуда Раҳимова мактабда бир неча йиллардан бўён хорижий мамлакатларга саёҳат ўюнтириб, ўқувчиларни чет эл давлатлари билан яқиндан танишишиб келмоқда. Шу билан биргалиқда устоз юқори синф ўқувчилариға Президент асарларидан ҳам дарс ўтади.

**СУРАТЛАРДА:** 17-мактаб тарих фани ўқитувчиси Мавлуда Раҳимова 5-синф ўқувчилари «Президентга мактублар» китоби асосида дарс ўтмоқда.

А. Тўраев олган суратлар

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БАХТЛИ КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИМ



Кече Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 39 та сайлов округи доирасидаги сайлов участкаларида тақорири овоз бериш жараёнлари бўлиб ўтди.

Маълумки, парламентнинг куйи палатаси 150 нафар депутат таркибида шакланади, шундан 15 нафари Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг курултойида сайланниб, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодлар орасидан 135 нафар депутат сайловчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда республиканизмнинг барча минтақаси кесимида ташкил этиладиган сайлов округлари бўйича сайланади.

2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайлов натижалари кўра, 135 та округдан 96 тасида депутат сайланди. 39 тасида тўртта сиёсий партия томонидан кўрсатилиб, рўйхатга олинган номзодларнинг бирортаси сайловчиларни ташкил этилди.

2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайлов натижалари кўра, 135 та округдан 96 тасида депутат сайланди. 39 тасида тўртта сиёсий партия томонидан кўрсатилиб, рўйхатга олинган номзодларнинг бирортаси сайловчиларни ташкил этилди.

Тошкент шахар ҳокимигининг Ахборот ҳизмати ва ўз муҳобаримиз хабарларидан

етарли овозини тўплай олмади. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан 2010 йил 10 январда балзи округларда тақорири овоз бериш ўтказилди. Жумладан, Тошкент шахрида мазкур жараёнда тўртта округ — 125-Дархон, 129-Дўмбировод, 131-Астробод ва 134-Қўйлиқ сайлов округлари қамровидаги сайлов участкалари рўйхатига кирилтилган сайловчilar катнашади. Кайд этилган округлар ҳудудида ташкил этилган 207 та сайлов участкаси бўйича 520 мингдан зиёд сайловчи рўйхатига кирилтилган бўлса, барчаси тақорири овоз бериш ўтказилиши ҳақида аввалдан комиссия аъзолари томонидан таклифномалар тарқатилгани ҳолда хабардор этилди.

Чилонзор ва Учтепа туманлари ҳудудида жойлашган 129-Дўмбировод сайлов округи эса 136 мингдан зиёд сайловчини кайд этган 56 та сайлов участкасини мувофиқлаштириди. Шу ҳудудда истиқомат киувини Диана Акимова ўз фуқаролик бурчини эрта тонгдан 417-сайлов участкаси соат 6.00 да очиши билан адо этиди.

(Давоми 2-бетда).

«Максусэнергогаз» АЖ биносида жойлашган 87-сайлов участкаси қисман Мирзо Улуғбек тумани ҳудудини ўз ичига олган 125-Дархон сайлов округи тасарруfiga киради. Рўйхатга олинган 1112 сайловчининг 17 нафари учун саломатлиги туфайли овоз бериш жараёни ўй шароитида ташкил этилди.

Чилонзор ва Учтепа туманлари ҳудудида жойлашган 129-Дўмбировод сайлов округи эса 136 мингдан зиёд сайловчини кайд этган 56 та сайлов участкасини мувофиқлаштириди. Шу ҳудудда истиқомат киувини Диана Акимова ўз фуқаролик бурчини эрта тонгдан 417-сайлов участкаси соат 6.00 да очиши билан адо этиди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шахар ҳокимигининг Ахборот ҳизмати ва ўз муҳобаримиз хабарларидан

«Тенгдosh» маданият ўйида бадий хаваскорлик жамоалари, тўғраклар, курслар, студиялар раҳбарлари катнашчилари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра сукбати «Миллий истиқлол гояси ва мафкураси» деб номланди.

УЗБЕКИСТОН Миллий университетида ўқитувчилар, талабалар иштироқида ўтказилган семинар ёшпар маънавиятини шакллантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

УЗБЕКИСТОН Фанлар академияси органик ва кимё институти олимлари АҚШлик таддикотчилар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйганингизни мазкур имр масканida ўтказилган анжумандада таъкидлаб ўтишиди.

ТОШКЕНТ тез тиббий ёрдам стансиясининг туманлардаги шохобчаларининг 10 таси янги йилда қайта таъмирланди, шахар тез тиббий ёрдам стансиясига замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

**XXI садоси  
аср**

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темирйўл компанияси қошидаги «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятида 2010 йилнинг дастлабки кунларида электр симлари ва вагонлар учун бирлаштирувчи қурилмаларнинг беш хил турини ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Натижада 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Марғилон шахридаги «Киргули» маҳалла фуқаролар йигини худудидаги Усмон Носир қўчасида шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши, «Махалла» жамғармаси ҳамкорлигига Ахборот-ресурс ва компютер маркази ташкил этилди. Марказ зарур анжом ва жиҳозлар билан тўла таъминланди. Хусусан, 8212 та китоб захираси яратилди, бешта янги компьютер ўрнатилди. «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши ташаббуси билан уч ойлик бепул компьютер саводхонлиги тўгараги фаолият кўрсата бошлади.

• Наманган вилояти Чуст туманида табиий газ ва ичимлик сувининг янги кувурлари ўтказилди. Тез орада туман марказининг Янгибод маҳалласи, Ариқбўйи қишлоғига «зангари олов», Чустон қишлоғидаги Дўстларобод маҳалласидаги хона-донларга эса ичимлик суви кириб келади.

• Марғилон иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс марказида ёш ўқитувчилар учун «Замонавий дарсларни ташкил этиш ва ўтказиши» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Тўракўргон туманида намунали лойиҳалар асосида янги уй-жойлар курилиши бошланди. Келажакда замонавий шаҳарча тусини оладиган аҳоли маскани учун Наманган-Тошкент автотрассаси ўтган Сайрам қишлоғидаги ўрикзор ҳудуди танланди.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ёшлар ахборот-ресурс марказида «Ёшлар—мамлакат таяни» номли китоблар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Хорватияда ўтказилган президент сайловларининг иккинчи турида И. Йосипович фолиб чиқди.

• Венесуэла Президенти Уго Чавес Колумбия билан чегара атрофига танклар ва вертолётларни жойлаштириш ҳакида бўйруқ берди.

• Ислорил Бош вазири Бенямин Нетаньяху Миср билан чегарада куриладиган хавфсизлик девори лойиҳасини тасдиқлади.

• Ўтган йили декабрь ойининг ўтлалирида ўюнтирилган хужумдан сўнг Италия Бош вазири С. Берлускони фаол сиёсий ҳаётга қайтиди.

• Сомалида мамлакат Киролли кучлари кўмандонига суюқсад ўюнтирилди. У машинасида кетаётганида радикал гурӯҳ томонидан ўрнатилган бомба портлатилди. Бахтли тасодиф туфайлигина яқинда ушбу лавозимга тайинланган кўмандон омон қолди.

• Грузия Ички ишлар вазирлигининг Жанубий Осетия ҳар иккала мамлакат чегарасида назоратни кучайтираётгани тўғрисидаги маълумотини Осетия томони тасдиқламади.

• Суданда этник келишмовчиликлар юз бермоқда. Зиддиятлар мамлакат жанубидаги Тондж қишлоғига кузатилмоқда. Бу ерда содир бўлган тўқнашувлар оқибатида 150 нафарга яқин одам ҳалок бўлган.

• Хитойнинг Ганьсу музофотидаги Миллий нефть-газ компаниясига қарашли кимёвий заводда портлаш содир бўлди. Кўнгилсизлик Ланъчжо шахри яқинида юз берган бўлиб натижада беш нафар ишчи ҳалок бўлган, олти нафари эса тан жароҳати олган. Яна беш кишининг тақдирни номаълум бўлиб туриди. Дастанлаби маълумотларга қараганда, фожиа газ сизиб чиқиши туфайли юз берган.

• Эрон Осиё мамлакатларига экспорт килаётган нефть нархини бирмунча пасайтирди.





